



Халқ сўзи

Ўзбекистон –
келажаги
буюк
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

WWW.XS.UZ

E-mail: Info@xs.uz

2018 йил 27 июнь, № 129 (7087)

Чоршанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.



ИҚТИСОДИЙ МАНФААТДОРЛИК АВТОМОБИЛСОЗЛИК РИВОЖИДА БОШ ОМИЛ БЎЛИШИ ЗАРУР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 26 июнь куни автомобиль саноатида жорий йил учун белгиланган ишлаб чиқариш ва экспорт кўрсаткичларини таъминлаш, тармоқнинг ривожланиш истиқболларини белгилаш масалаларига бағишланган йиғилиш ўтказилди.

Мамлакатимиз автосаноати иқтисодиётимизни юксалтиришга салмоқли ҳисса қўшаётган тармоқлардан биридир. “General Motors”, “MAN”, “Isuzu” каби жаҳондаги етакчи компаниялар билан ҳамкорликда юртимизда енгил ва юк автомобиллари, автобуслар ишлаб чиқарилмоқда. Шу билан бирга, бугунги кун автомобил саноатини модернизация қилиш ва босқимча-босқич ривожлантириш, рақобатбардош ва экспортбоп автомобиллар ишлаб чиқариш, уларнинг моделларини мунтазам янгилаш вазифаларини қўймоқда.

Йиғилишда тармоқда маҳаллийлаштириш, аҳолига автомобилларни тез ва арзон етказиб бериш, ташқи бозорга экспорт қилиш замон талабларига умуман жавоб бермаслиги танқид қилин-

ди. Мамлакатимиз бир пайтлар йилига 100 мингдан зиёд автомобиль экспорт қилган бўлса, охириги 5 йилда уни ишлаб чиқариш ва экспорт қилиш ҳажми камайган. Тармоқнинг барча даражадаги бошқарувида коррупция, товламачилик, таниш-билишчилик каби иллатлар томир отиб кетгани бунга сабаб бўлмоқда.

Кейинги 2,5 йилда автомобиль сотишда коррупция ва товламачилик ҳолатлари бўйича 99 та жиноий иш очилган. “Ўзавтосаноат” акциядорлик компаниясида юзага келган қарздорлик оқибатида ўтган йили тизимдаги бир нечта корхона фаолиятини зарар билан якунлаган. Автомобиллар йиллар давомида ўз таннархидан паст қийматда экспортга чиқарилган. Ўз навбатида, таннархи тушириш бўйича сезиларли иш қилинмаган.

Автомобиль эҳтиёт қисмлари тайёрлашни ўзлаштириш ҳам қониқарсиз аҳволда. Бутловчи қисмлар импорти ҳам ҳануз юқорилигича қолмоқда.

Давлатимиз раҳбари мазкур камчиликларни бартараф этиш, автомобилсозликда маҳсулот таннархини камайтириш, маҳаллийлаштириш даражасини ошириш, импортни қисқартириш бўйича топшириқлар берди. Тармоқ корхоналарини айланма маблағлар билан тўлдириш, автомобиллар ишлаб чиқариш, ички ва ташқи бозорларда сотиш тизимини такомиллаштириш лозимлигини таъкидлади.

Автомобиль саноатининг экспорт салоҳиятини кенгайтиришда юзага келаётган зарар ҳажминини қисқартириш муҳим ўрин тутди. Президентимиз шу мақсадда 2020 йилгача босқимча-босқич

фойда билан экспорт қилиш чораларини кўзда тутувчи комплекс дастур ишлаб чиқиш зарурлигини таъкидлади.

— Ички бозорда автомобиль сотишда коррупция бартараф этилмаётгани аҳоли норозилигига олиб келмоқда. Автосалонларнинг жойлашиши ва автомобиллар тақсимооти ҳудудлар аҳолисининг талабларига жавоб бермайди, — деди давлатимиз раҳбари. — Мисол учун, 3 миллион аҳолиси бўлган Қашқадарё вилоятида атиги 2 та автосалон хизмат кўрсатаётган бўлса, 2,8 миллионлик аҳолиси бор Тошкент вилоятида 12 та автосалон мавжуд. Натижада аҳоли қўшни вилоятлардан автомобиль қидириб сарсон бўлмоқда.

Оқоридаги камчиликлардан келиб чиқиб, йиғилишда автомобиль ишлаб чиқаришда иқти-

содий манфаатдорликни ошириш, ташқи бозорда рақобатга чидамли маҳсулотлар тайёрлашни йўлга қўйиш, уларни сотиш тизимини такомиллаштириш юзасидан аниқ вазифалар белгилаб берилди.

Ҳукумат ва “Ўзавтосаноат” компанияси раҳбариятига мамлакатимиз автомобилсозлик тармоғи жаҳон бозоридида муносиб ўрин эгаллаши учун уни изчил ривожлантириш концепциясини ишлаб чиқиш, истеъмолчилар эҳтиёжини инobatга олган ҳолда, янада замонавий машиналар ишлаб чиқаришни кенгайтириш, тармоққа инновацион технологияларни жалб этиш ва инвестициялар оқимини кўпайтириш, кадрлар салоҳиятини ошириш, янги иш ўринлари ташкил этиш юзасидан зарур кўрсатмалар берилди.

Ў.А.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



ДЕПУТАТЛАР АҲОЛИ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН ҚОНУН ЛОЙИХАЛАРИНИ КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

26 июнь куни Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда депутатлар мамлакатда Ҳаракатлар стратегияси асосида ижтимоий ҳамда иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ислохотлар изчиллиги таъминланиши учун ҳуқуқий асослар яратишга қаратилган бир қатор қонун лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Депутатлар дастлаб Ўзбекистон Республикаси томонидан Марказий Осиёдаги қўшни давлатлар билан ишлаб чиқилган ва жорий йилнинг 22 июнь куни БМТ Бош Ассамблеясининг ялпи мажлисида қабул қилинган “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюциясининг мазмун-моҳиятига тўхталдилар. Мазкур тарихий ҳужжатнинг қабул қилинганлиги 2017 йил сентябрь ойида Нью-Йоркда бўлиб ўтган БМТ Бош Ассамблеясининг 72-сессиясида Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ташаббуснинг амалий ижроси эканлиги мамнуният билан қайд этилди.

Шу билан бирга, ҳужжат ҳамкорликда умумий муаммоларни ҳал қилиш, минтақамизнинг тараққиёти ва унинг қўп миллионли аҳолиси фаровонлигини таъмин-

лашга қодир яхлит, бирлашган минтақа сифатида шаклланишида муҳим босқич бўлиб хизмат қилиши депутатлар томонидан алоҳида таъкидланди. Шунингдек, мазкур ҳужжат Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги нуфузини оширишга хизмат қилиши қайд этилиб, сиёсий партиялар фракциялари, депутатлар жойларда унинг аҳамиятини тарғиб қилишга келишиб олдилар.

Шундан сўнг, депутатлар мажлис кун тартибига қиритилган масалаларни кўриб чиқишга киришдилар. Аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш тизимини тубдан ислох қилиш, амалдаги тизимни янада такомиллаштиришга қаратилган, шунингдек, соҳага оид ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни назарда тутувчи қонун лойиҳаси иккинчи ўқишда муҳокама қилинди.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати ўн бешинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг ўн бешинчи ялпи мажлиси эртага — 2018 йил 28 июнь куни эрталаб соат 10.00 да Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоларининг диққатига!

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари бугун — 2018 йил 27 июнь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Бугун — Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимлари куни

ИННОВАЦИОН ТЕХНОЛОГИЯЛАР, КРЕАТИВ ЁНДАШУВ

Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази фаолиятида муҳим ўрин тутмоқда



Ҳасан ПАЙДОЕВ олган сурат.

Жамиятда очиклик ва шаффофликни таъминлаш, адолат тамойилларини кенг қарор топтириш, аҳоли ҳуқуқ ҳамда эркинликлари ва қонуний манфаатларини кафолатлаш, юртимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар, бекиёс ўзгаришларни жамоатчиликка етказишда

оммавий ахборот воситаларининг алоҳида ўрни бор. Айниқса, Президентимиз томонидан қабул қилинаётган Фармон ҳамда қарорлар мазмун-моҳияти, аҳамиятини халққа тез, аниқ, ишончли етказиб бериш, мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётига оид қонунлар, давлат

дастурлари ижросини таҳлил қилиш ва бундан одамларнинг хабардорлигини оширишда соҳа ходимларининг малакаси, ўз ишига масъулият билан ёндашиши муҳим аҳамиятга эга.

(Давоми 3-бетда).

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ ЖАВОҲИРИ

Китоб — билимлар манбаи, инсон маънавий камолотининг жон озиғидир. Бинобарин, аждодларимиз маънавият сарчашмаларини нондек азиз билган, улардаги одамзоднинг дунёқарашини бойитадиган, онгини чарқлайдиган, қалбини улғайтирадиган сийратни қадрлаган, бу жавоҳирларни келажақ авлодларга ҳам шаклан, ҳам мазмунан етказишга интилган.

Бугунги ахборот технологиялари ривожига ҳамда кескин глобаллашув ёшларда бузғунчи ғоялар, экстремизм, терроризмга қарши мустаҳкам маънавий иммунитетни шакллантиришнинг такозо этмоқда. Шу жиҳатдан Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан навқирон авлодни маънавий қадриятларимиз, муқаддас ислом

динимизга, юртимизда яшаб ўтган буюк мутафаккирларнинг ибратли ҳаётига ҳурмат-эҳтиром руҳида тарбиялашга ҳисса қўшадиган бадий асарларнинг яратилиши рағбатлантириляпти.

“Ислом цивилизациясининг буюк алomalари” мавзусида бадий асарлар яратиш бўйича ижтимоий буюртмалар лойиҳаси юртимизда туғилиб, камол

топган ҳамда ислом дини ривожига, шунингдек, бутун башарият маънавий камолотига улкан ҳисса қўшган буюк бобокалонларимиз, жумладан, ҳадис илмининг султони Имом ал-Бухорий, Имом ат-Термизий, Абдуҳолиқ Ғийдувоний, Баҳоуддин Нақшбанд, Имом Мутуридий, Абул Муин Насафий каби улуг зотларнинг ўлмас илмий-маърифий мероси, ибратли ҳаётини ва уларнинг бадий мукаммал образларини ҳаққоний гавдалантирувчи романларнинг яратилишига ҳисса қўшади.

(Давоми 4-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

Мамлакат иқтисодиётини узоқ муддатли ривожлантириш борасида кенг кўламли ислохотлар амалга оширилаётган шароитда самарали солиққа тортиш тизими ва давлат солиқ хизмати органларининг уйғунлашган фаолияти алоҳида аҳамият касб этади.

Шу билан бирга, солиқ назоратининг эскирган услуб ва принципларига асосланган давлат солиқ хизмати органлари фаолиятини ташкил этиш мазкур органлар олдида қўйилган янги вазифаларни ҳал қилиш, жумладан, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва солиқлар йиғилувчанлигининг оширилишини таъминлаш имконини бермайди, ўз ечимини топмаган сезиларли муаммоларнинг мавжудлиги ушбу ҳолатни янада оғирлаштирмоқда, хусусан:

биринчидан, солиқ солишнинг қўшимча манбаларини изламасдан солиқ ҳисоботи билан чеклиниб қолган, асосан, прогноз кўрсаткичларини бажариш билан боғлиқ бўлган солиқ маъмуриятчилигининг паст даражаси;

иккинчидан, солиқ маъмуриятчилигида коррупциявий муҳитни шакллантираётган, давлат солиқ хизмати органларининг деярли барча бўғинларида ходимлар коррупциялашувига олиб келаётган сезиларли шарт-шароитларнинг мавжудлиги;

учинчидан, солиқ маъмуриятчилигини тўлиқ амалга ошириш, солиқ солинадиган қўшимча базани аниқлаш, иқтисодиётда хуфийёна айланмалар даражасини қисқартиришга имкон бермайдиган ахборот-коммуникация технологияларидан оқилона фойдаланмаслик;

тўртинчидан, камерал назоратни, жумладан, солиқ имтиёзлари ва преференцияларидан мақсадли фойдаланилиши устидан камерал назоратни амалга ошириш учун ташқи манбаларни йиғиш таъминлайдиган таъсирчан дастурий маҳсулотларнинг мавжуд эмаслиги;

бешинчидан, солиқлар тўлашдан бўйин товланишнинг турли схемалари яратилишига олиб келаётган, савдо, умумий овқатланиш корхоналари, бозорлар ва савдо комплекслари фаолиятини назорат қилиш бўйича берилган ваколатлардан самарасиз фойдаланилиши;

(Давоми 2-бетда).

БИЗ ва ЖАҲОН

«Ўзбекистон минтақа ва дунё мамлакатлари билан қисқа муддатда ўзаро ишончни мустаҳкамлашда намуна бўлмоқда»

БМТ Бош Ассамблеяси томонидан “Марказий Осиё минтақасида тинчлик, барқарорлик ва изчил тараққиётни таъминлаш бўйича минтақавий ва халқаро ҳамкорликни мустаҳкамлаш” резолюциясининг қабул қилинишига хорижий экспертлар ҳамда оммавий ахборот воситалари катта воқеа сифатида баҳо бермоқда.

Хусусан, Чехия Республикасида фаолият юритадиган Хавфсизлик масалаларини ўрганиш маркази ўз веб-сайтида чоп қилган мақолада сўнгги вақтда минтақада мутлақо янгича сиёсий муҳит юзага келиб, унинг таъсири Марказий Осиё чегараларидан ташқарига ҳам тарқалаётганини эътироф этади.

Таҳлилчилар минтақада кечаётган жараёнларнинг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида Ўзбекистоннинг

янгилаган сиёсатини асос сифатида кўрсатдилар. Республика раҳбарияти Марказий Осиёни давлат ташқи сиёсатининг устувор йўналиши сифатида белгиллаб олиб, ушбу тамойилни амалиётга тўла жойин этмоқда. Натижада арийин Ўзбекистон минтақадаги ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши ва унинг бошқа мамлакатлар билан алоқалари кенгайиши ташаббуси билан чиқди.

(Давоми 3-бетда).

АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ЎЗБЕКИСТОНДА

АҚШнинг Жон Хопкинс университети ҳузуридаги Марказий Осиё ва Кавказ институти раиси, профессор Фредерик Старр бошчилигидаги делегация мамлакатимизда бўлиб турибди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида америкалик таниқли олим Фредерик Старрнинг ўзбек тилига таржима қилинган «Унутилган маърифат: Марказий Осиёнинг араб истилосидан то Амир Темур давригача бўлган олтин асри» номли китоби тақдими тоъказилди. Унда академиклар, олимлар, АҚШ, Япония ва Швециядаги йирик тадқиқот институтлари илмий доиралари вакиллари қатнашди.

Фредерик Старр Марказий Осиё, Россия ва МДХ мамлакатлари бўйича мутахассис сифатида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий жараёнлардан яхши хабардор. Таниқли эксперт Евросий минтақаси давлатлари сиёсати ҳамда

тарихига оид 20 дан ортиқ китоблар муаллифи ҳамдир. У ўзининг Урта асрларда яшаб ижод қилган алломаларимиз ҳақидаги изланишлари, оммабоп мақола ва рисоалари билан Ғарб жамоатчилиги орасида кенг танилган.

Фредерик Старрнинг «Унутилган маърифат: Марказий Осиёнинг араб истилосидан то Амир Темур давригача бўлган олтин асри» китобида мамлакатимиз тарихи, маданияти, илм-фан ривожига ҳақида ҳикоя қилинади.

Мазкур китоб 2014 йили Хиндистонда инглиз тилида чоп этилган. Ўтган вақт мобайнида йиғирмадан ортиқ тилларга таржима қилиниди ва 2018 йилда ўзбек тилида нашрдан чиқди.

(Давоми 3-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И

ДАВЛАТ СОЛИҚ ХИЗМАТИ ОРГАНЛАРИ ФАОЛИЯТИНИ ТУБДАН ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

олтинчидан, мақсадли текширувлар ташкил этиш учун солиқларни тўлашдан мунтазам равишда бўйин товлаётган шахслрни, шунингдек, солиққа оид ҳуқуқбузарликларни келтириб чиқарувчи омилларни аниқлашнинг аниқ мезонлари мавжуд эмаслиги;

еттинчидан, мавжуд ресурслардан давлат солиқ хизмати органлари ходимларини моддий рағбатлантириш учун етарлича фойдаланилмаётганлиги ва интизомий жавобгарликка тортиш даражаси ҳаддан ташқари юқорилиги умуман солиқ тизимининг самарадорлигига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Мавжуд муаммоларни бартараф қилиш, Ўзбекистон Республикаси солиқ сиёсатини такомиллаштиришнинг асосий йўналишларини ва 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналишни бўйича Ҳаракатлар стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш мақсадида:

1. Қуйидагилар Ўзбекистон Республикаси солиқ маъмуриятчилиги тизимини такомиллаштиришнинг энг муҳим йўналишлари ҳисоблансин:

биринчидан, давлат солиқ хизмати органларини солиқ тўловчиларнинг бизнес-ҳамқори ва маслаҳатчиси сифатидаги янги имиджини яратиш орқали хизмат кўрсатишга йўналтирилган идорага айлантириш, ҳар бир ходим томонидан **“Солиқ хизмати — инсофли солиқ тўловчиларнинг ишончли ҳамқори”** деган мақсадли вазифани сўзсиз бажариш;

иккинчидан, экстерриториаллик принципи асосида солиқ тўловчилар ўз солиқ мажбуриятларини ихтиёрий бажариши, бизнесни қонуний, шаффоф ва қулай юритиш учун мақбул шарт-шароитлар яратиш, солиқ тўловчиларнинг қониқисх даражасининг ошишини таъминлаш;

учинчидан, солиқ маъмуриятчилиги ва назоратининг мутлақо янги тизимини яратиш, шунингдек, коррупциявий омилларга йўл қўймаслик бўйича превентив ва олдини олиш чораларини қўллаш;

тўртинчидан, солиқ тўловларининг ўз вақтида ва бир хилдаги тушумини таъминлаш, маъмурий тартиб-таомилларни максимал даражада камайтириш ва соддалаштириш, солиқ солинадиган базани кенгайтириш ва иқтисодиётда хуфиёна айланмаларни қисқартириш ҳисобига бюджетларнинг даромад қисмини барқарор шакллантириш;

бешинчидан, текширувдан олдинги таҳлил ва масофавий назорат-таҳлил ишларини амалга ошириш учун маълумотларни тўлиқ йиғиш ва қайта ишлашни таъминлайдиган замонавий, илгор ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш чораларини янада кучайтириш;

олтинчидан, давлат солиқ хизмати органлари ходимларига корпоратив этикани сингдириш, давлат солиқ хизмати органларининг стратегик мақсад ва вазифаларига эришиш учун ўз хизмат фаолияти самарадорлигини ошириш мотивацияси тизимини жорий этиш.

2. Белгилансинки, 2019 йил 1 январдан давлат солиқ хизмати органлари хизмат кўрсатиш, савдо ва умумий оватланиш соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари учун ягона солиқ тўловини, ягона ер солигини, юридик шахслардан ер солиғини, шунингдек, банк айланмалари ҳақидаги маълумотлар, шунингдек, бошқа ташқи манбалар асосида декларация қилинадиган даромадлар бўйича жисмоний шахслардан олиннадиган даромад солигини ҳисоблаш тарзида солиқ тўловчиларга сервис хизматлари кўрсатади ҳамда ҳисобланган солиқлар суммаси ҳақида солиқ тўловчининг “шахсий кабинети” орқали хабарнома юборади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Молия вазирлиги, Марказий банки ва Савдо-саноат палатаси бир ой мuddатда ҳоржий мамлакатларнинг илгор тажрибасини ўрганиш якунига кўра, ташқи маълумотлар ва солиқ тўловчиларнинг декларациялари асосида давлат солиқ хизмати органлари томонидан ҳисобланадиган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар рўйхатини босқичма-босқич кенгайтириш бўйича комплекс чора-тадбирларни тасдиқласин.

4. Белгилаб қўйилсинки, 2018 йил 1 июлдан:

давлат солиқ хизмати органлари ҳўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида ўтказилган хронометраж натижаларига кўра, охириг ҳисобот даври учун товар (иш, хизмат)лар реализациясидан камайтириб кўрсатилган тушумни ва ходимлар сонини қайта ҳисоб-китоб қилган ҳолда солиқларни ҳисоблашни амалга ошириш ҳақида талабнома юборади, камайтириб кўрсатиш такорран аниқланганда, ушбу ҳаракатлар солиқ тўлашдан бўйин товлаш сифатида малакаланади;

учинчи шахслар томонидан солиқ тўловчи-жисмоний шахс учун тўланган солиқ суммаси солиқ тўловчининг солиқ солинадиган даромади ҳисобланмайди;

давлат солиқ хизмати органлари солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ҳисоблаш учун асос бўладиган кўздан кечириш далолатномасини тузиш орқали солиқ тўловчиларнинг паспортлаштирилишини юритади.

5. Давлат солиқ хизмати органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг қуйидаги асосий мезонлари белгилансин:

давлат солиқ хизмати органлари ишининг сифатини қониқарли баҳолайдиган солиқ тўловчилар, шунингдек, уларнинг ҳаракатлари ва қарорлари устидан шикоятларнинг сони;

камерал назорат натижаси бўйича ундирилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг умумий суммаси; хронометраж ва кўздан кечириш натижалари бўйича аниқланган Давлат бюджети даромадларини ошириш заҳиралари суммаси ва уларни ундириш даражаси; паспортлари тузилган солиқ тўловчиларнинг сони; ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар ундирилишининг тўлиқлиги ва солиқ қарздорлигининг пасайиш даражаси;

давлат солиқ хизмати органлари билан ўзаро муносабатларда “шахсий кабинет”дан фойдаланиш даражаси;

электрон ҳисобварақ-фактураларни ҳисобга олиш ва онлайн назорат-касса машиналарни автоматлаштирилган мониторинг қилиш бўйича дастурий махсулотларни қўллаётган солиқ тўловчиларнинг қамраб олинishi.

6. Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг Моддий ёрдам, ижтимоий ҳимоя, солиқ органларини ривожлантириш ва кўзда тутилмаган ҳаражатлар махсус жамғармаси (кейинги ўринларда Махсус жамғарма деб юритилади) ҳисобидан қуйидаги суммаларнинг 10 фоизига қадар миқдорда мукофотланиши белгилансин:

камерал назорат натижаси бўйича ундирилган солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар;

бир ой мобайнида хронометраж ва паспортлаштириш натижаси бўйича аниқланган, солиқ тўловчи томонидан тўланган солиқ;

солиқ текширувлари натижаси бўйича ундирилган солиқлар.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси бир ой мuddатда якуний натижаларга эришишдан келиб чиқиб давлат солиқ хизмати органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш мезонларини ва уларни моддий рағбатлантириш чора-тадбирларини тасдиқласин.

Махсус жамғармага солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун молиявий санкциялар ва маъмурий ҳуқуқбузарлик учун жарималар суммасидан ажратмалар миқдори 25 фоиздан 40 фоизга оширилсин, бунда қўшимча тушадиган маблағлар ходимларни шахсий мукофотлашга мақсадли йўналтирилсин.

7. Давлат солиқ хизмати органларига қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

солиқ тўловчи қайд этилган манзилда бўлмаган, шунингдек, солиқ тўловчи томонидан солиқ ёки молиявий ҳисобот, камерал назорат натижалари юзасидан тафовутларнинг асослари ёхуд аниқлаштирилган солиқ ҳисоботи белгиланган мuddатда такдим этилмаган ҳолларда солиқ тўловчи-юрдик шахсларнинг банк ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб туриш;

давлат улушлари бўйича дивидендларни ва давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ажратмаларни ундириш;

солиқ тўловчи томонидан такдим этиладиган ахборотнинг ишончилигини ҳамда солиқ тўловчининг ҳисоботларида акс эттирилган солиқ ва божхона имтиёзларини қўлашнинг қонунйилигини тасдиқлаш учун камерал назорат натижаси бўйича жойига чиққан ҳолда мавзуга оид ва экспресс-ўрганишларни амалга ошириш;

юзга келган солиқ қарздорлигини солиқ тўловчи-жисмоний шахсларнинг пластик карталарига хизмат кўрсатуви банк ҳисобварақларидан оийга энг кам ойлик иш ҳақининг икки баравари миқдоридан кўп бўлмаган суммада сўзсиз ҳисобдан чиқариш.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг “Республика ахборот-маслаҳат маркази” ва “Солиқ декларацияларини қайта ишлаш маркази” давлат унитар корхоналари негизида “Солиқ-сервис” давлат унитар корхонасини (кейинги ўринларда — “Солиқ-сервис” ДУК) унинг ҳудудий марказларини тузган ҳолда ташкил этиш тўғрисидаги таклифи маъқуллансин.

Қуйидагилар “Солиқ-сервис” ДУКнинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

солиқ тўловчиларга солиқ мажбуриятларини бажаришда техник жиҳатдан кўмаклашиш, шунингдек, ҳисоботлар ва декларацияларини қабул қилиш бўйича солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш юзасидан давлат солиқ хизмати органларига амалий ёрдам бериш;

давлат солиқ хизмати органларининг автоматлаштирилган ахборот тизимини техник, дастурий ва ахборот таъминотини бошқариш;

давлат солиқ хизмати органлари фаолияти натижасида юзга келадиган ҳужжатларни қозғз ва электрон шаклда марказлашган ҳолда архивда сақлаш;

“call-марказ” махсус сервиси орқали аҳолига ахборот хизматларини кўрсатиш;

солиқ тўловчиларни электрон ҳисобварақ-фактураларни юритиш қоидалари бўйича ўқитиш, уларга солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари нормаларини етказиш;

ахбороти ҳимоя қилиш тадбирларини амалга ошириш; давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг билим ва малакасини ошириш.

Давлат солиқ қўмитаси:

давлат солиқ хизмати ҳудудий органларининг юқорида кўрсатилган функцияларни бажарадиган бошқарув ходимлари штат бирликларини қисқартириш;

Маълумотларни қайта ишлаш маркази ишини тубдан такомиллаштириш, жумладан, солиқ тўловчилар учун янги дастурий махсулотлар ва сервисларни ишлаб чиқиш бўйича комплекс чора-тадбирларни қабул қилишни назарда тутсин.

9. “Солиқ-сервис” ДУКнинг хизматлари бюджет маблағлари ва Махсус жамғарма маблағлари, шунингдек, қонун ҳужжатлари билан тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобидан тўланиши белгилансин.

“Солиқ-сервис” ДУК томонидан кўрсатиладиган барча хизматлар солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлашдан озод этлсин.

10. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгаши ташкил қилинсин, қуйидагилар унинг асосий вазифалари этиб белгилансин:

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини қўллашда низоли масалалар юзасидан ҳулосалар чиқариш;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари бузилишини аниқлашда солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасида юзга келадиган низоларни кўриб чиқиш;

солиқ низоларини кўриб чиқиш жараёнида аниқланган солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларидаги камчиликларни бартараф этиш бўйича тақлифлар киритиш.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати органлари ўртасидаги солиқ низоларини судгача ҳал қилиш кенгашининг таркиби ва низомини тасдиқласин.

11. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси тузилмасида:

йирик солиқ тўловчиларга хизмат кўрсатиш, жумладан, солиқ ҳисоботларини қабул қилиш, камерал назорат ўтказиш, солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларни ундириш мажбурияти юклатилган Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекцияси;

давлат солиқ хизмати органлари фаолиятининг самарадорлигини баҳолаш ва уларнинг ривожланиш стратегиясини ишлаб чиқиш вазифаси юклатилган Таҳлил бошқармаси ташкил этилсин.

12. Давлат солиқ хизмати органлари ходимлари фаолиятида коррупциявий жиҳатларга барҳам бериш мақсадида Чакана савдо ва хизмат кўрсатиш соҳасида ҳуқуқбузарликларни профилактика қилиш бош бошқармаси ҳамда унинг ҳудудий бўлиммалари тугатилсин.

13. Солиқ академияси Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш маркази этиб қайта ташкил қилинсин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой мuddатда:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш маркази фаолиятини ташкил қилиш, унинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ўқитишнинг замонавий услубларини, жумладан, малака оширишнинг масофавий шаклларини жорий этиш, шунингдек, ҳудудий филиалларини тузишни назарда тутган ҳолда ҳукумат қарорини қабул қилсин;

қайта ташкил этилаётган Солиқ академиясининг бакалаврият ва магистратура талабаларининг ўқишини тегишли йўналишлар бўйича Тошкент давлат иқтисодиёт университети ва Тошкент молия институтига кўчириш чораларини кўрсин.

14. Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ташкилий тузилмаси 1-иловага мувофиқ;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси марказий аппаратининг тузилмаси 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

15. Давлат солиқ хизмати органлари бошқарув ходимларининг чекланган сони 11 903 нафар, жумладан, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси марказий аппарати бошқарув ходимларининг чекланган сони 257 нафар этиб белгилансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисига Ўзбекистон Республикаси Президенти девони билан келишилган ҳолда қуйидаги ҳуқуқлар берилсин:

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси марказий аппаратининг тасдиқланган тузилмасига бошқарув ходимларининг белгиланган умумий сони доирасида ўзгартишлар киритиш;

Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар давлат солиқ бошқармалари, туман (шаҳар)лар давлат солиқ инспекциялари, шунингдек, Йирик солиқ тўловчилар бўйича ҳудудлараро давлат солиқ инспекциясининг тузилмасини тасдиқлаш;

давлат солиқ хизматининг ҳудудий органлари бошқарув ходимларининг чекланган сонини, жумладан, “Солиқ-сервис” ДУК ташкил этилиши муносабати билан бошқарув ходимларининг штат бирликлари қисқартирилишини ҳисобга олган ҳолда тасдиқлаш;

Махсус жамғарма маблағлари ҳисобидан давлат солиқ хизмати органлари бошқарув ходимлари мутахассисларининг қўшимча штат бирликларини жорий этиш.

16. Қуйидагилар:

а) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети ва давлат мақсадли жамғармаларига тушумлар прогнозининг бажарилиши;

солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг тўлиқ ва ўз вақтида тузишини таъминлаш устидан лозим даражада назорат ўрнатилиши;

Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамасининг қарорлари, бошқа норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар талабларининг ўз вақтида ва сифатли бажарилиши;

давлат солиқ хизмати органларига юқори маънавий-ахлоқий сифатларга эга малакали ходимларни жалб этишга қаратилган, кадрларни танлаш, жой-жойига қўйиш ва рағбатлантиришнинг мутлақо янги тизими яратилиши;

ходимларнинг хизматга бўлган муносабатини тубдан ўзгартириш, қонун бузилишининг барча қўринишлариға нисбатан муросис муносабатда бўлиш муҳити яратилиши, жамоада соғлом муҳит шакллантирилиши;

давлат солиқ хизмати органлари фаолиятининг очиклиги таъминланиши, солиқ тўловчилар билан тўғридан-тўғри алоқасиз мулоқот ўрнатилиши;

солиқ маъмуриятчилигининг замонавий услубларини жорий этиш соҳасида халқаро экспертлар, грантларни жалб этиш ишлари;

давлат солиқ хизмати органларининг моддий-техника жиҳатдан таъминланиши учун;

б) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси биринчи ўринбосарининг:

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига ва давлат мақсадли жамғармаларига солиқлар ва бошқа мажбурий тўловлар тўлиқ ва ўз вақтида тузилишининг таъминланиши;

солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ва ҳуқуқни қўлаш амалиётини такомиллаштириш бўйича таклифлар тайёрланиши, солиқ назоратини амалга оширишнинг замонавий услублари жорий этилиши, солиқ соҳасидаги ҳуқуқбузарликларнинг сабаб ва шарт-шароитлари таҳлил қилиниши, уларга барҳам бериш чоралари кўрилиши;

солиқ солиш базасини кенгайтириш бўйича, жумладан, макроиктисодий кўрсаткичлар динамикаси ва ҳудудларнинг солиқ салохиятини тизимли таҳлил қилиш орқали комплекс чора-тадбирлар кўрилиши;

назорат амалга оширилиши ва солиқ қарздорлиги ошишига йўл қўймаслиги, халқаро тажрибани чуқур ўрганиш орқали солиқ тизими модернизация қилиниши учун;

в) Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раиси ўринбосарларининг:

солиқ маъмуриятчилиги самарадорлигини оширишга кўмаклашувчи солиқ тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ишлаб чиқиш ва қўллаш методологияси такомиллаштирилиши;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджети даромадлари даражасини ошириш учун заҳираларини излаш ва аниқлаш бўйича тизимли ишлар олиб борилиши;

солиқ мажбуриятларини ўз вақтида бажарганлиги учун тадбиркорлик субъектларини рағбатлантириш чоралари кўрилиши;

солиқ солиш қисмида иқтисодиётнинг хуфиёна секторини легаллаштиришга қаратилган тизимли назорат таъминланиши;

сифатсиз, қалбаки (ясама) ва ноқонуний олиб қирилган товарлар ишлаб чиқарилиши, шунингдек, реализация қилинишига қарши курашишнинг ҳолати ва самарадорлиги;

солиқ маъмуриятчилиги жараёнига замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва таҳлилининг илгор автоматлаштирилган услублари, электрон ҳисобварақ-фактураларни ҳисобга олиш ва онлайн назорат-касса машиналарининг автоматлаштирилган мониторинги бўйича дастурий махсулотлар жорий этилиши ҳамда самарали фаолият кўрсатиши;

жисмоний ва юридик шахсларнинг мурожаатлари пухта, ҳар томонлама, тўлиқ ва объектив кўриб чиқилиши, фуқаролар шахсан қабул қилиниши;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Малака ошириш маркази ва солиқ коллежлари фаолияти самарали ташкил этилиши учун шахсий жавобгарлиги белгилаб қўйилсин.

17. Давлат солиқ хизмати органлари фаолияти ва солиқ маъмуриятчилигини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар дастури 3-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Вазирлик ва идоралар раҳбарлари Дастурда назарда тутилган чора-тадбирларнинг ўз вақтида ва самарали амалга оширилиши учун шахсан жавобгар эканлиги белгилансин.

18. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси манфаатдор вазирлик ва идоралар билан биргаликда: бир ой мuddатда солиқ тўлашдан бўйин товлаётган шахслар, яширилган солиқ солиш объектлари, шунингдек,

Халқ сўзи

ноқонуний олиб қирилган товарлар етказилиши, сақланиши ва реализация қилиниши, яширин цехларни аниқлаш юзасидан тизимли қўшма рейдларни ташкил этиш бўйича чора-тадбирларни қабул қилсин;

икки ой мuddатда давлат солиқ хизмати органларининг ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ўзаро ҳамкорлик қилиш тартиби тўғрисидаги низомини, жумладан, офшор зоналарда рўйхатдан ўтган шахслар билан операцияларни амалга оширадиган солиқ тўловчиларни мониторинг қилишни назарда тутган ҳолда тасдиқласин;

уч ой мuddатда солиқ соҳасида фуқаролар томонидан жамоатчилик назорати амалга оширилиши учун ижтимоий тармоқлар ва дастурий махсулотларнинг салохиятидан фойдаланиш мумкин бўлган, жумладан, уларга тадбиркорлик субъектларининг солиққа оид ҳуқуқбузарликларини тўғрисида хабар қилиш имконини бериувчи веб-портал очиш бўйича чора-тадбирларни амалга оширсин;

бир ой мuddатда қўшилган қиймат солиғини электрон бошқариш тизимини, жумладан, солиқлар ййигилувчанлигини ошириш ва инсофсиз солиқ тўловчиларни аниқлаш мақсадида барча айланмалар занжирини таҳлил ва назорат қилиш учун давлат солиқ хизмати органларида электрон ҳисобварақ-фактураларни ҳисоба олиш бўйича дастурий комплексни жорий этиш юзасидан тақлифлар киритсин.

19. 2018 йил 1 августдан маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш заҳираларини аниқлаш фаолиятини моддий рағбатлантиришни ошириш ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш мақсадида Ягона тариф сеткаси бўйича меҳнатга ҳақ тўлашнинг тасдиқланган разрядлариға мувофиқ давлат солиқ хизмати органлари ходимларининг лавозим маошини белгилашда тариф коэффициенти 1,7 бараварга оширилган миқдорда қўлланилиши белгилансин.

Мазкур бандда назарда тутилган тадбирларни амалга ошириш билан боғлиқ харажатлар бюджет маблағлари ҳисобидан амалга оширилади.

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

Иқтисодиёт вазирлиги билан биргаликда икки ой мuddатда солиқ имтиёзларини қўллаш самарадорлигини мониторинг қилиш ва баҳолаш тизимини жорий этиш, самарасиз фойдаланилган имтиёз суммаларини бюджетга мажбурий қайтариш механизмларини мустаҳкамлашни назарда тутадиган солиқ имтиёзларини мақсадли бериш тартибини тасдиқласин;

Давлат солиқ қўмитаси билан биргаликда икки ҳафта мuddатда Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг ҳаражатлар сметаси ва штатлар жадвалиға мазкур қарорга мувофиқ тегишли қўшимча ва ўзгартишлар киритсин;

Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасига Маълумотларни қайта ишлаш марказини кенгайтириш, замонавий электрон маъмуриятчилик тизимини, жумладан, электрон ҳисобварақ-фактур

ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ
МАЛИКА
АБДУЛЛАХЎЖАЕВА



Ўзбекистон илм-фани оғир жудоликка учради. Тиббиёт соҳасидаги таниқли олимпиа, Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги Малика Абдуллахўжаева шу йил 26 июнда 86 ёшида вафот этди.

М. Абдуллахўжаева 1932 йил 28 ноябрда Россия Федерациясининг Москва шаҳрида туғилди. 1956 йили Тошкент давлат тиббиёт институти (ҳозирги Тошкент тиббиёт академияси)ни тугатиб, Россия Фанлар академияси Мия институти аспирантурасида тахсил олди. Дастлаб номзодлик, кейинчалик докторлик диссертациясини ҳимоя қилди. Илм-фан соҳасидаги кўп йиллик хизматлари учун 2000 йилда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академиясининг ҳақиқий аъзоси этиб сайланди.

М. Абдуллахўжаева ўз меҳнат фаолиятини 1960 йили Тошкент давлат тиббиёт институти ассистент сифатида бошлади. Истеъдодли олимпиа қарийб 60 йиллик илмий-педагогик фаолияти давомида Рентгенология, радиология ва онкология илмий-тадқиқот институти (ҳозирги Республика иختисослаштирилган онкология ва радиология илмий-амалий тиббиёт маркази) лабораторияси мудири, Тошкент давлат тиббиёт институти-

Ш. МИРЗИЁЕВ, Н. ЙЎЛДОШЕВ, Н. ИСМОИЛОВ,
А. АРИПОВ, Б. ЙЎЛДОШЕВ, А. ШОДМОНОВ

АҚШ ДЕЛЕГАЦИЯСИ
ЎЗБЕКИСТОНДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ушбу фундаментал тадқиқотлар махсули 15 бобдан иборат бўлиб, унда Марказий Осиёнинг араблар томонидан истило қилиниши, шу даврда Мовароуннахр ва Хуросон ҳудудларидаги маданий юксалиш, Бағдод, Гурганч, Самарқанд шаҳарларининг маданий марказлари, мўғуллар босқини, Амир Темур ва темурийлар даври жонли, равон тилда баён қилинган.

Тадқимотда китобнинг Марказий Осиёдан етишиб чиққан қомусий олимларнинг дунё илм-фани ривожига қўшган ҳиссасини очиб беришдаги аҳамияти ҳақида фикр-мулоҳазалар билдирилди.

Шу кунти меҳмонлар Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетиди ҳам бўлиб, ушбу йил таълим муассасаси профессор-ўқитувчилари ҳамда талабалари билан учрашув ўтказди, «Марказий Осиёнинг ҳудудий ривожланиш босқичлари ва АҚШ билан муносабатлар» мавзусида маъруза тингланди.

Шунингдек, делегация аъзолари ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш юзасидан ташкил этилган бир қатор музокараларда иштирок этди. Тошкентнинг диққатга сазовор жойлариди бўлиб, мамлакатимизнинг бой тарихи ва маданияти билан яқиндан танишди.

Улугбек ШОНАЗАРОВ,
ЎЗА мухбири.

Солиқ тизими шакл-шамойили ҳам,
мазмуну ҳам ўзгаради



Давлат газнасини тўлдиришни солиқларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки бозор тамойилларига асосланган иқтисодиётнинг негизини, Давлат бюджетининг даромад қисмини солиқ йиғимлари ташкил этади. Мамлакат солиқ тизимининг барқарор фаолияти эса юрт ҳамда халқ фаровонлиги билан чамбарчас боғлиқдир.

Юртимиздаги солиқ тизимини ислоҳ қилиш борасида қўллаб қоралашлар амалга оширилди. Аммо бугунги шиддатли давр ҳар қандай соҳага янгича ёндашуви, эски иш услубидан воз кечган ҳолда, самарали механизмни татбиқ этишни кун тартибига олиб чиқмоқда. Хусусан, давлат газнаси бутлигини таъминлашга масъул бўлган солиқ органларининг иш тутуми бугунги кун талабларга жавоб бермай қўйди.

Жойлардаги солиқ органларининг солиқ йиғувлари масаласига масъулиятсизлик билан ёндашуви соҳада талон-торожилик, коррупция, қинғир ишларга йўл очиб берди. Охир-оқибат бу тизимни тубдан қайта қўриб чиқиш ва такомиллаштириш лозимлигини кўрсатди.

Президентимизнинг «Давлат солиқ хизмати органи фаолиятини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори мавжуд муаммоларни бар-тароф қилиш баробарида, соҳани тубдан ислоҳ этиш, самарали тизимни ишга солишга туртки бери-

ши, шубҳасиз. Боиси, қарорга биноан, солиқ тизимининг устувор вазифалари ҳамда функциялари, иш услуби ва ташкилий тузилмаси ҳам бутунлай ўзгарадиган бўлди. Мамлакат солиқ маъмуричилиги тизимини такомиллаштиришнинг муҳим йўналишлари белгилан берилди.

— Эндиликда солиқ органлари солиқ тўловчиларнинг бизнес ҳам-кори ҳамда маслаҳатчиси бўлиб, «Солиқ хизмати — инсофли солиқ тўловчиларнинг ишончли ҳамкори» тамойили асосида ишлайди, — дейди Давлат солиқ қўмитасининг бош-қарма бошлиғи Холбўта Исматов. — Айнан ушбу мақсадларни тўла-тўқис амалга ошириш мақсадида, биринчи навбатда, 2019 йил 1 январдан бошлаб ҳар бир солиқ тўловчига «шахсий кабинет» очила-ди ва барча тадбиркорлик субъек-ти, юридик шахсларга солиқ хиз-матлари айти ш қабнет орқали кўрсатилади. Шунингдек, 2018 йил 1 октябрдан эътиборан солиқ ту-шумларининг назорати ҳам кучай-тирилади. Яъни товар ёки реали-

зациясидан тушумларни ҳамда хо-дмилар сонини камайтириб кўрса-тиш солиқ тўлашдан бўйин товлаш сифатида малакаланидиган бўлди.

Хужжатга асосан, давлат солиқ хизмати органлари фаолияти самарадорлигини баҳолашнинг асосий мезонлари ҳам белгиланмоқда. Унга қара, эндиликда солиқ идоралари фаолияти давлат солиқ хизмати органлари ишининг сифатини қони-қарли баҳоловчи солиқ тўловчилар ва уларнинг ҳаракатлари устидан шикоятлар сони, камерал назорат натижасида ундирилган солиқлар ҳамда бошқа мажбурий тўловлар-нинг умумий суммаси, хронометраж ва кўздан кечириш натижалари бўйича аниқланган Давлат бюджет-и даромадларини ошириш захира-лари суммаси ҳамда уларни унди-риш даражаси, ҳисобланган солиқ ва бошқа мажбурий тўловлар унди-ришининг тўлиқлиги, давлат солиқ хизмати органлари билан ўзаро му-носабатларида «шахсий кабинет»-дан фойдаланиш даражаси, элект-рон ҳисобварақ-фактураларни

ҳисобга олиш ҳамда онлайн назо-рат-касса машиналарини қўлаёт-ган солиқ тўловчиларни қамраб олиш даражаси каби қатор мезон-лар асосида баҳоланади.

Бундан ташқари, солиқ органла-рининг ҳуқуқлари кенгайтирилмоқ-да. Хусусан, эндиликда юридик шахслар томонидан солиқларни тўлашдаги ҳисоботлар ўз вақтида тақдим этилмаганда, солиқ идора-ларига уларнинг ҳисобварақлари бўйича операцияларни тўхтатиб ту-риш, давлат улушлари бўйича ди-видендларнинг ва давлат унитар корхоналарининг соф фойдасидан Давлат бюджетига ажратмаларнинг тўғри ҳисобланиши ҳамда ундири-лишини таъминлаш, солиқ тўлови-даги ахборотнинг ишончлилигини текшириш мақсадида жойига чиқ-қан ҳолда, тематик ва экспрес-с-ўрганишлар ўтказиш, солиқ қарз-дорлигини жисмоний шахсларнинг пластик карталаридан ечиб олиш ҳуқуқлари берилмоқда.

Ангилелардан яна бири шуки, Давлат солиқ қўмитасининг «Рес-публика ахборот-маслаҳат маркази» ҳамда «Солиқ декларацияларини қайта ишлаш маркази» давлат уни-тар корхоналари тугатилиб, унинг негизида «Солиқ-сервис» давлат унитар корхонаси, шунингдек, Молия вазирлиги ҳузурида Солиқ тўловчилар ва давлат солиқ хизмати

органлари ўртасидаги солиқ низо-ларини судга ҳал қилиш кенгаши иш бошлайди. Қўмита тарқибидида Солиқ академияси эса Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги малака оли-риш маркази сифатида қайта таш-кил этилади.

Солиқ органлари ҳодимларининг меҳнатини муносиб рағбатлантириш масалалари ҳам эътибордан четда қолмаган. 2018 йил 1 августдан бошлаб маҳаллий бюджетларнинг даромад базасини кенгайтириш ҳамда коррупция ҳолатларининг ол-дини олиш мақсадида давлат солиқ хизмати органлари ҳодимларининг лавозим маошларига тариф коэф-фициенти 1,7 барава ра оширилган микдорда қўлланилади.

Қисқаси, мамлакатимиз солиқ тизимининг шаклу шамойили ва мазмуну тубдан ўзгаради. Энди солиқ органлари фақат солиқ йи-ғувчи эмас, балки солиқ тўловчига яқин қўмақчи сифатида ҳам фаоли-ят олиб боради. Бу тамойил қўлла-нилишининг асосий мақсади — янги тизимни халқимиз ҳамда тадбир-корларга янада яқинлаштиришдан иборатдир.

Бош прокуратура ҳузуридаги
Ахборот-таҳлил
мультимедиа маркази
материаллари асосида
Р. ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.

«Ўзбекистон минтақа ва
дунё мамлакатлари билан
қиска муддатда ўзаро ишончни
мустаҳкамлашда намуна бўлмоқда»

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).



Хавфсизлик Кенгашидаги раисли-ги ҳамда Ўзбекистон ташаббуси билан ўтказилган Марказий Осиё ва Афғонистон бўйича юқори да-ражадаги халқаро конференциялар эслатиб ўтилади.

Хиндистоннинг «The Economic Times» газетасида ай-тиб ўтганидек, Европа, Шимолий ҳамда Жанубий Америка, Осиё ва Африканинг 55 мамлаката вакил-лари ҳаммуаллифлар сифатида резолюцияни имзолагани ўзбек дипломатияси томонидан амалга



ги мураккаб шароитда Марказий Осиё давлатлари ўзаро ҳамкорли-ни мустаҳкамлашлари жоиз. Зеро, ҳеч қайси мамлакат замонавий тахдидлар билан ёлғиз ўзи кура-ша олмайди. Ўзбекистон бошла-ган ислохотлар сибасати ушбу талабга жавоб бергани ҳолда, минтақанинг халқаро нуфузи юксалиши, унинг изчил тараққиё-ти учун қулай шарт-шароитлар яратилишига хизмат қилади.

«Ўзбекистон Марказий Осиё ва дунё мамлакатлари билан қиска муддатда ўзаро ишончини муста-ҳкамлаш ҳамда янги турдаги муно-сабатларни йўлга қўйиш бўйича намуна кўрсатди», деб ёзади «Покстоннинг «The Dawn» газе-таси мухбирлари. Мавзуга доир мақолада сўнгги йилларда минта-қадаги вазият глобал ташкилот до-ирасида тобора кўпроқ муҳокама этилаётгани таъкидланади. Мисол тариқасида Қозғистоннинг БМТ

оширилган тайёргарлик ишининг юқори самарадорлигидан далолат беради.

«Хужжатни тасдиқлаб, БМТ Марказий Осиёда шакланган янги ўзаро ишонч ҳамда яхши қўшни-чилик муҳитини эътироф этди», деб ҳисоблайди Россиянинг «Ин-терфакс» ахборот агентлиги. Россиялик журналистларнинг маъ-



лум қилишича, резолюцияда Ўзе-бистоннинг қўшни мамлакатлар билан алоқаларни кенгайтириш

бўйича саъй-ҳаракатларига юқори баҳо берилиб, Марказий Осиё давлатлари раҳбарларининг маслаҳатлашув учрашувларини мунтазам ўтказиш бўйича ташаб-буси қўллаб-қувватланади.

«Кабар» янгиликлар агентли-ги (Қирғизистон) ўзбек диплома-тиясининг Афғонистон йўналиши-даги фаолиятига эътибор қарата-ди. «Резолюцияда 2018 йилнинг



март ойида Тошкентда бўлиб ўтган Афғонистон бўйича «Тинчлик жа-раёни, хавфсизлик соҳасида ҳам-корлик ва минтақавий шериклик» мавзусидаги конференциянинг мам-лакатда тинчлик ҳамда ярашув қарор топишдаги аҳамияти таъ-кидланади», дея ёзилади агентлик ахборотида.



Шуниси ҳам эътиборга мо-ликики, БМТ Бош Ассам-блеяси томони-дан Марказий Осиё бўйича резолюция-нинг қабул қилиниши ҳақидаги ян-гиллик Twitter микроблоглар тар-моғида энг кўп ўқилган ва муҳока-ма қилинган мавзулардан бири бўлди.

Анвар МИРЗАЕВ
«Халқ сўзи»
тайёрлади.

ДЕПУТАТЛАР
АҲОЛИ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ
ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН
ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИНИ
КЎРИБ ЧИҚДИЛАР

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Таъкидланганидек, мазкур қонун лойиҳасида мамлакатимиз Президентининг 2017 йил 12 декабр-даги «Аҳолига давлат хизматлари кўрсатишининг миллий тизимини туб-дан ислоҳ қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекис-тон Республикаси Президентининг 2017 йил 12 декабрдаги «Ўзбекис-тон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги Давлат хизматлари агентлиги фаолиятини ташкил этиш тўғрисида»ги қарорини амалиётга самарали татбиқ этиш механизмла-ри кўзда тутилган. Жумладан, тад-биркорлик субъектларига хизмат кўрсатувчи «ягона дарча» тизими қайта ташкил этилганлиги боис қонунда «Давлат хизматлари марказлари» мақоми ва ваколатлари мустаҳкамланмоқда.

Қонун лойиҳасининг қабул қили-ниши тадбиркорлик субъектлари-га, аҳолига давлат хизматлари кўрсатиш соҳасида кенг қулайлиқлар яратиш-га, «Фуқаролар эмас, ҳужжатлар ҳаракатланади» тамойилининг ҳаётий ифодасини таъминлашда муҳим омил бўлиши депутатлар томони-дан алоҳида қайд этиб ўтилди.

Тадбиркорлик субъектларининг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш ва ҳусусий мулк дахлсизлигини таъ-минлаш мақсадида Жиноят кодекси ва Маъмурий жавобгарлик тўғриси-даги кодексга ўзгаришлар киритиш-ни кўзда тутувчи қонун лойиҳаси ҳам депутатларнинг қизгин баҳс-муноза-раларига сабаб бўлди.

Қонун лойиҳаси билан ҳусусий мулк ҳуқуқини, тадбиркорлик субъек-тларининг фаолиятини текшириш ва молия-ҳўжалик фаолиятини тадтиш қилиш тартибини, лицензиялаш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини ва рухсат бериш тартиб-таомиллари тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бу-зиш, тадбиркорлик субъектларини ҳомийлик қилишга ва бошқа тадбир-ларга мажбурий жалб этиш ҳамда тадбиркорлик субъектларидан қонун ҳужжатларини бузган ҳолда ҳужжат-лар талаб қилиб олиш, умуман, қонуний тадбиркорлик фаолиятига аралашганлик учун жавобгарлиқни қучайтириш белгиланмоқда.

Депутатлар томонидан мазкур қонун лойиҳасининг қабул қилини-ши мамлакатда ишбилармонлик муҳити янада яхшиланишига, иқтисодиёт тармоқларига инвести-циялар жалб этишни фаоллашти-ришга, пировардида, халқимиз фаровонлигини таъминлашга имкон бериши айтиб ўтилди.

Қун тартибидан ўрин олган нав-

батдаги қонун лойиҳаси Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 23 мартдаги «Банк хизматла-ри оммабоғлигини ошириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғриси-да»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган бўлиб, унга асосан «Банклар ва банк фао-лияти тўғрисида»ги, «Микро-молиялаш тўғрисида»ги ҳамда «Мик-рокредит ташкилотлари тўғрисида»-ги қонунларга ўзгариш ва қўшим-чалар киритилмоқда.

Қайд этиб ўтилганидек, мазкур қонун лойиҳаси билан микромолиялаш хизматларини кўрсатувчи ташкилотлар фаолиятини такомиллаштириш ва истеъмолчилар мафзаатларини ҳимоя қилишни қучайтириш, шу жумладан, микромолиялаш хизматлари бўйича тўловларни асоссиз равишда ошириш-га йўл қўймаслик бўйича меъёларни жорий қилиш назарда тутилган.

Депутатларнинг мулоҳазасига қара, киритилаётган ушбу қоидалар микромолиявий хизматлар истеъмолчилар зиммасига тушадиган қарз юкни камайтириб, тўлов қобили-ятини яхшилайти ҳамда ижтимоий ҳимоясини қучайтиришда муҳим роль ўйнайди.

«Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»-ги қонун лойиҳасини биринчи ўқишда муҳокама қилдилар.

Депутатлар Ўзбекистон Республи-каси Президентининг 2018 йил 7 майдаги «Ўзбекистон Республика-си Бош прокуратураси ҳузуридаги Агрорасаноат мажмуи ва озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши устидан назорат қилиш инспекцияси фао-лиятини ташкил этиш чора-тадбир-лари тўғрисида»ги қарориди белги-ланган вазифаларни ҳаётга татбиқ этишга қаратилган қонун лойиҳаси-ни ҳам қабул қилдилар. Қўшлоқ ҳўжа-лиги маҳсулотларини қабул қилиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан олинган маҳсулотлардан фойдаланиш тартибини бузганлик, шунингдек, Инспекциянинг қонуний талаблари-ни бажармаганлик ва улар фаолият-ига тўқсизлик қилганлик учун маъ-мурий жавобгарлик белгиланди. Бун-дан ташқари, бир қатор қонунларга мазкур Инспекциянинг ваколатлари-ни белгилловчи нормалар киритилди.

Махмудаси, шунингдек, Олий Мах-лис Қонунчилик палатаси ваколати-га тааллуқли бошқа масалалар ҳам қўриб чиқилди ва тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик
палатаси Ахборот хизмати.

Араб инвестори Андижонда
7 мингта иш ўрни яратмоқчи

Андижон вилоятига Бирлашган Араб Амирликларининг «Ajan&Bros. Group» компанияси раҳбари Шайх Ал Ахлан Мухаммад Абдулазиз бошчилигидаги делегация ташриф буюрди. Меҳмонлар вилоят иқтисодий, инвестициявий салоҳияти билан танишдилар.

ҲАМКОРЛИК

Хусусан, Қўргонтепадаги «Хонтекс», Хўжаободдаги «Самотекс» корхона-ларида олиб борилаётган ишлар уларда катта таассурот қолдирди. Юртингизда тадбиркорлар учун яратилаётган қулай шароит бизни ҳамкорлик қилишга ундади, — дейди делегация раҳбари. — Аминизки, истиқболли лойиҳаларимиз ҳудуд иқтисодиётини юксалтириш баробарида, икки давлат ҳамкорлигини мустаҳкамлашга ҳам хизмат қилади.

Ҳорижлик ҳамкорлар вилоятга инвестиция олиб кириш орқали кластер усулидаги замонавий корхона, тиббиёт маскани ва меҳмонхона барпо этиш ниятида. Умуман, 70 миллион АҚШ доллар микдоридидаги лойиҳа амалга оширилиши ҳисобида 7 мингта янги иш ўрни яратилади.

Саминжон ҲУСАНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Р. ОТАМУРОВОД.

МАЪНАВИЙ КАМОЛОТ ЖАВОҲИРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райхон Беруний номидаги Шарқшунослик институти билан ҳамкорликда амалга оширилаётган ишлар ҳам халқимизнинг қадимий тарихи ҳамда бой маданиятини тиклаш, азиз-авлиёларимизнинг илмий, диний ва маънавий меросини ҳар томонлама чуқур ўрганиш ҳамда тарғиб этиш, ёш авлодни уларнинг эзгу анъаналари руҳида тарбиялашга хизмат қилиши билан аҳамиятлидир. Ушбу ташкилот билан имзоланган меморандумга кўра, ўзаро ҳамкорликда улуг алломаларнинг турли фан соҳаларига оид асарлари кенг оммага тақдим этилади, биргаликда республика ва халқро микёсда илмий анжуманлар, семинар-тренинг, давра суҳбатлари, халқро грант лойиҳалари уюштирилади.

Ўзбек адабиёти дурдоналарини жаҳон тилларига таржима қилиш, дунё илм-фани, маданияти, маънавияти ҳамда маърифатининг юксалишига бе-баҳо ҳисса қўшган буюк аждодларимиз ва замондош адибларимиз асарларини чет элларда кенг тарғиб этиш халқро май-донда мамлакатимиз нуфузини янада юксалтиришга хизмат қилади. Янгидан ташкил этилган Халқро китоб савдоси зиммасига ана шундай эзгу вазифалар юкланган. Бадиий асарларни ўзбек тилидан инглиз тилига таржима қилиш бўйича “Ўзбек адабиётининг энг сара йигирма асари” танлов-лойиҳаси ҳам айна шу мақсадга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Халқро ҳамкорликини кенгайтириш бугунги интеграциялашув жараёнининг асосий талабларидан бири саналади. Шунинг учун олган ҳолда, агентлигимиз томонидан Халқро ноширлар ассоциациясига аъзо бўлишга ҳаракат қилинаётгани, Россиянинг Матбуот ва оммавий коммуникациялар бўйича Федерал агентлиги билан ҳамкорликини кучайтиришга эътибор қаратилаётганини алоҳида қайд этиш жоиз.

Бундан ташқари, турли халқро фестиваллар, кўргазма-ярмаркаларда қатнашиб келинати. Жумладан, шу йил

25 — 28 апрель кунлари Қозоғистон Республикасининг Остона шаҳрида ўтказилган III Евросий халқро китоб кўргазма-ярмаркасида тизимимиздаги нашриётлар ҳамда матбаа корхоналари беш юздан ортиқ номдаги мингга яқин ижтимоий-сиёсий, маданий-маърифий, илмий-оммабоп, болалар адабиёти ва бадиий асарлар билан иштирок этди. Қувонарлиси, ноширлик ишларимиз тадбир ташкилий қўмитаси томонидан юксак баҳоланиб, Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи “Внеклассное чтение” — 1 — 4-синфлар учун мўлжалланган дарсдан ташқари китоби учун “Энг яхши ўқув

павильони “Энг яхши экспозиция” деб топилди.

Китоб тарғиботида ҳам анъанавий тадбирлар, акциялардан ташқари, янгича ёндашувлар ҳамда йўналишларга ҳам урғу берилляпти. Хусусан, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси билан ҳамкорликда маҳаллий темир йўл поездлари ва самолётларда миллий ҳамда жаҳон



Ҳасан ПАЙДОНОВ олинган сурат.

адабиёти”, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси “Ўзбек халқ эртақлари” китоби учун “Болалар ва ўсмирлар учун энг яхши китоб” номинацияларида махсус дипломини қўлга киритди. Фафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи “Наманган” китоб-альбоми учун “Энг яхши ўлкашунослик”, “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси “Алишер Навоий қомусий лугати” учун “Фан ва инновация” номинациясида I даражали дипломага эга бўлди. Дунёнинг йигирмага яқин мамлакатларидан 150 дан ортиқ нашриётлар қатнашган мазкур кўргазмада Ўзбекистон Миллий

адабиётининг энг сара намуналари асосида тайёрланган радиоинценсировкалар ва аудиокитобларни алоҳида каналга жойлаштириш юзасидан қатор чора-тадбирлар кўрилмоқда.

Буларнинг барчаси мамлакатимизда китобхонлик даражасини юксалтириш, ёшларимизни мутлоа маданиятига ўргатиш, илм олишга даъват этишга қаратилгани билан алоҳида аҳамиятлидир.

Маъмуржон ПАРПИЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Матбуот ва ахборот агентлиги бошқарма бошлиғи ўринбосари.

Анжуман

ХИРУРГИЯ: ЮТУҚЛАР ВА ИСТИҚБОЛ

Самарқанд давлат тиббиёт институтида Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургик маркази ҳамкорлигида “Ўзбекистонда хирургиянинг ривожланиши, ютуқлари ва истиқболи” мавзусида илмий-амалий

конференция ўтказилди.

Тадбирда хирургия соҳасидаги сўнгги янгилликлар, хусусан, жигар, буйрак, юрак-кон томир тизимида амалга оширилган мураккаб жарроҳлик операциялари борасида сўз юритилди.

— Республикаимизда кейинги йилларда тиббиёт соҳаси-

да катта ютуқларга эришилди, — дейди В. Воҳидов номидаги Республика ихтисослаштирилган хирургик маркази раҳбари, профессор Феруз Назиров. — Илгари беморлар чет элда катта маблағ сарфлаб даволаниб қайтган бўлса, бугун ана шундай юқори даражадаги тиб-

бий хизматдан мамлакатимизда фойдаланмоқда. Пойтахтимизда, ҳатто, вилоятларда замонавий технологиялар ёрдамида мураккаб жарроҳлик амалиётлари ўтказилляпти.

Анжуман доирасида маҳорат дарслари ташкил этилди.

Мамодиёр ЗИЁДИНОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

Асосий мақсад — таълим сифатини яхшилаш

Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан халқ таълими тизимини тубдан такомиллаштириш, ўқитиш сифатини яхшилаш, соҳани замон талабларига мувофиқлаштиришга алоҳида урғу берилмоқда. Зеро, фарзандларимиз таълим ва тарбияси, мамлакатимиз тараққиёти бугун ушбу жабҳада олиб борилаётган ислохотларга бевосита боғлиқ.

БРИФИНГ

Бу ҳақда Халқ таълими вазирлигида бўлиб ўтган брифингда алоҳида таъкидланди. Унда Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Шерзод Шерматов ва унинг ўринбосарлари иштирок этиб, оммавий ахборот воситалари ходимларига мазкур йўналишга оид янгилликлар, истиқболдаги режалар, мавжуд муаммолар ҳамда уларни бартараф этишга қаратилган чора-тадбирлар хусусида маълумотлар беришди. Таълим сифатини яхшилаш хўжақўрсинга бўлмаслиги, тизимда учта тамойилга, яъни, сифат, адолат, шаффофликка таянилиши, соҳада қўллаб-муаммолар йиғилиб қолгани, янги раҳбарият тайинлангач, уч кунда уч мингдан ортиқ тақлифлар билдирилгани ҳақиқий аҳвол қай даражада эканлигини кўрсатади. Тадбирда мавжуд муаммоларга барҳам беришнинг энг биринчи йўли жамиятда ўқитувчининг обрўсини, мазкур касб нуфузини кўтариш эканлиги таъкидланди.

“Болалигимда ўқитувчига салбий фикр билдирган ота-онани эслолмайман. Ҳозир эса афсуски, бунинг акси. Фарзанди паст баҳо олса ёки танбёх эшитган бўлса, ўқитувчи ёмонотлик бўлиб қоляпти. Халқимизнинг “Устоз — отангдек улуг”, деган мақолини фарзандларимизга тушутирсак, фойдадан холи бўлмайди. Жамиятда ўқитувчининг обрўси ошса, бундай жамият бойдир. Президентимиз бизга, вазирликка катта имконият бердилар. Бу ишончни оқлаш учун барчамиз биргаликда ҳаракат қилишимиз керак”, дея фикр билдирди вазир.

Тадбиркорларимиз тўйхоналар, дўконлар куриш билан бирга таълим ривожини, ота-оналар эса фарзандининг яхши ўқиши учун сармоя ажратса, шунга жон қойишга, қўзғалган мақсадларимизга тезроқ эришамиз. Зеро, бош мақсадимиз — таълим сифатини яхшилаш!

Максуд ЖОНИХОНОВ.

Гиёҳвандлик — аср вабоси

Давлат хавфсизлик хизмати ҳамда ҳамкор ташкилотлар томонидан 26 июнь — Халқро наркотик моддаларни суиистеъмол қилиш ва уларнинг ноқонуний айланishiга қарши кураш кўни муносабати билан ҳуқуқ-тартибот идоралари саяй-ҳаракати туфайли мусодара этилган гиёҳвандлик воситаларини йўқ қилиш маросими ўтказилди. Халқро ташкилотлар, хорижий элчихоналар ҳамда республикамиз давлат ва жамоат идоралари вакиллари қатнашган ушбу тадбирда 1 тонна 605 килограммдан кўпроқ гиёҳвандлик моддалари ёқиб юборилди.



БАХТ ЎҒРИСИ, УМР ЗАВОЛИ



Тадбирда сўз олганлар Ўзбекистонда истиқлолнинг илк йиллариданқо наркотизмга қарши курашишга қаратилган муҳим саяй-ҳаракатлар амалга ошириб келинаётганлигини алоҳида таъкидладилар. Хусусан, мамлакатимиз 1995 йилда БМТнинг гиёҳвандлик воситалари ва психотроп моддаларнинг ноқонуний муомаласига қарши курашга оид 3 та конвенциясига қўшилди. 1999 йилда эса Ўзбекистон Республикасининг “Гиёҳванд-

лик воситалари ва психотроп моддалар тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Бундан ташқари, Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 12 ноябрдаги “Гиёҳвандлик воситалари, психотроп моддалар ва прекурсорларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб кириш, ундан олиб чиқиш ва транзит тарзида ўтказиш тартибини, шунингдек уларнинг муомаласи бўлиши юзасидан назоратни такомиллаштириш тўғрисида”ги қарори билан юртимизда тақиқланган

гиёҳвандлик воситалари рўйхатига қўшимча 80 та гиёҳвандлик воситаси киритилди.

Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Наркотик моддаларни назорат қилиш Миллий ахборот-таҳлил маркази маълумотларига кўра, ўтган йили ҳуқуқ-тартибот идоралари томонидан олиб борилган кенг кўламли ишлар натижа-сида гиёҳвандлик моддаларининг ноқонуний айланishi билан боғлиқ 5429 та жиноят фош этилди.

— Асримиз вабоси бўлган мазкур иллатга қарши самарали курашда барча ҳуқуқ-тартибот идоралари, хусусан, ички ишлар органлари, Давлат божхона қўмитаси, Бош прокуратура ҳамда судларнинг муносиб ҳиссаси бор, — дейди Давлат хавфсизлик хизмати ходими Э. Бабаев. — Фаолиятимиз

мисолида айтадиган бўлсак, ўтган йили сафдошларимиз томонидан 272 та наркотик жамияти мажлислар зали, 700 килограммдан кўпроқ гиёҳвандлик воситалари мусодара қилинди. Хусусан, ДХХ Чегара қўшиқлари томонидан 162 та ана шундай ҳолат аниқланди. Олиб борилаётган биргаликдаги саяй-ҳаракатлар туфайли муайян натижалар қўлга киритилмоқда. Масалан, диспансер рўйхатида турадиган гиёҳванд беморлар сони ўтган йилда ундан олдинги йилдагига нисбатан 2463 нафар камайишига эришилди.

Чет эллик экспертлар қайд этишганидек, Ўзбекистон Республикаси гиёҳвандлик воситалари тарқалиши ва уларнинг устидан назорат ўрнатиш бўйича халқро мажбуриятларини тўла баҳариб келмоқда. Ҳар йили гиёҳвандлик воситалари кенг жамоатчилик вакиллари ҳамда хорижий кузатувчилар гувоҳлигида йўқ қилинаётганлиги ҳам бунинг яққол тасдиғидир.

Зокир ХУДОЙШУКUROV,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЭЪЛОН

«ЎЗАГРОСЕРВИС»
акциядорлик жамияти
акциядорлари диққатига!

«ЎЗАГРОСЕРВИС»
акциядорлик жамияти

Кузатув кенгашининг 2018 йил 18 июндаги қарорига асосан, 2018 йил 29 июнь кўни соат 10.00 да жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ўтказилишини маълум қилади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Абай кўчаси 4-«А» уй, «Ўзагросервис» акциядорлик жамияти мажлислар зали. (uzagro@uzagroservis.uz)
Акциядорларни рўйхатга олиш 2018 йил 29 июнь кўни соат 9.00 да бошланади. Акциядорлар умумий йиғилишида иштирок этиш учун акциядор Ўзбекистон Республикаси «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Қонунига мувофиқ шахсни тасдиқловчи ҳужжатини рўйхатга олиш вақтида тақдим этилиш шарт. Юридик шахсларнинг вакиллари белгиланган тартибда расмийлаштирилган ишончнома билан келишлари сўралади.

«ХАЛҚ СЎЗИ»
ЭЪЛОНЛАР
КАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 645. 115 730 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юқиб олиш учун QR-коднинг телефонингиз орқали сканер қилинг.



ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.



«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 00.10 Топширилди — 01.25 1 2 3 4 5 6

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — С. Раҳмонов.
Навбатчи — Д. Содиқов.
Муҳаххих — С. Исломов.